



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2021 йил «2» октябрь

288-6-0-Q/21

Наманган вилояти ҳокимлиги

Наманган вилояти ҳокимлиги бошқаруви тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, вилоят ҳокимлиги ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон қарори 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 22 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон қарори билан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгилаб қўйилганлиги асос учун қабул қилинсин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасида 2021 йил 1 октябрдан:

вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасида инвестициялар ва ташқи савдо масалалари котибияти 1 нафар бош мутахассис штат бирлигини ўтказиш ҳисобига вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари лавозими жорий этилсин.

3. Наманган вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 19 сентябрдаги 263-6-0-Q/21-сон қарори 4-банди ва ушбу қарорнинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.


Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 2 октябрдаги
288-6-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Наманган вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сон – 61 бирлик.

* - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июлдаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6244-сон Фармонига мувофиқ (Котибиятлар штати Ихтисодий тараqqиёт ва камабағалликни киксартиринг вазириликнинг худудий бўлиmlаридан 2 та штат бирлигини ўтказинг хисобига 3 та штат бирлигига кенгайтирилган);

** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Конячилик: хўжаслари икросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва махаллий икроси эгувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кўчайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6166-сон Фармони ҳамда Вазирлар Мақомаасининг 2021 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимдаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг икроси интизомига масъул таркибий бўлиmlалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 171-сон Қарорига мувофиқ (штат бирливлари чекланган сон доирасида икроси интизомига масъул алоқида штат бирлиги жорий этилган);

*** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6275-сон Фармонига мувофиқ (худудий халқ таълими бошқармаларидаги болаларни иктивий хилоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўбаcидаги бир нафар мутахассис лавозимларини мақбуллаштириш хисобига болаларни хилоя қилиш масалалари котибияти ташкил этилган);

**** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашинг фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарорига асосан (инвестициялар ва ташки савдо масалалари котибияти 1 нафар бош мутахассис штат бирлигини ўтказинг хисобига вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат тизимини раҳбари лавозими ташкил этилган);

***** - Бошқарув ходимларининг узлукчи чекланган сонига киритилмайди; ***** - махаллий бюджет хисобидан молиялаштирилиб, бошқарув ходимларининг чекланган сонига киритилмайди.

***** - Ишлар бошқармаси штат бирлигидан олиниб, бошқарув ходимларининг чекланган сонига киритилмайди.